

# Халқлик сузлари



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

15 июль, шанба, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 135 (1137)

## ҲАР БИР ОДАМ ЯРАТУВЧАНЛИК, ҲАЛОЛ ДАРОМАД ТОПИШ, БОЙИШ ИШТИЁКИ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛСА — ҚИШЛОҚДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖ ТОПАДИ

### ДЕҲҚОН — ФЕРМЕРГА БИРОЗ ҚАЙИШИПСА БАС, У МАҲСУЛОТНИ СЕРОБ ҚИПАДИ

**ПИСКЕНТ туманида 1993 йили ҳаммаси бўлиб 93 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатган бўлса, бузунга келиб 210 тага етди. Улар деҳқончилик қилаётган даладарда ҳосилдорлик туман хўжалиқларидагига қараганда анча юқори, чорвачиликда ҳам бир ярим, икки баравар юқори натижага эришмоқдалар.**

— Бундай натижалар, — дейди туман деҳқончилик ва фермерлар уюшмасининг раиси Анвар Раҳмонов, — ер ҳам, чорва моллари ҳам ҳақиқий эгаларини топганидан далолат беради. Фақат ўз фойдасини кўзлаб сафизга кирганлар орадан кўп ўтмай, бошқа ишга қўл уришга мажбур бўлмоқдалар. Лекин, Исроил Ортиқов, Фахриддин Рустамбеков, Қаҳрамон Қурбонов каби ишнинг кўзини билиб меҳнат қилаётганлар ҳозирги кунларда ўз оиласи учун ҳам, жамоа хўжалиги учун ҳам фақат фойда келтирмоқдалар.

мерлардан бири Исроил Ортиқовдир. Ҳозир унинг қармоғида 30 бош қорамол бор. Утган йили ўзига ажратилган 7 гектар майдонда 84 тонна озуқа етиштириб, гўшт ва сутни кўпайтириш ҳисобига 42 минг сўм соф фойда олди. Деҳқон-фермер хўжалиқларида етиштирилаётган дон, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳам ҳосилдорлиги бўйича тумандаги жамоа хўжалиқларининг ўртача кўрсаткичидан анча юқори. Утган йил якунида 73 гектар бугдойдан 32,7 центнердан дон, 230,5 гектар майдондан 41,5 центнердан макка дони, картошка сабзавот ва мевалардан ҳам юқори ҳосил олинди. Мухими бу маҳсулотлар энг кам харажат билан етиштириляпти.

нарх-навоини барқарорлаштиришга ёрдам беради. Демак, деҳқон-фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш зарур. Ҳозирги вақтда асосан кўргазмаларда намоиш этилаётган кичик тракторлар, культиваторлар, сеялқалар ҳар бир фермер хонадонини учун жуда керак. Иккинчидан, фермер ва деҳқон хўжалиқлари учун жамоа хўжалиқлари адирликлар этагидан обдон текислаш талаб қилинадиган, сув чиқиши қийин бўлган ерларни ажратиб беришяпти. Қўлида техникаси йўқ фермерлар учун ерни эпачага келтиргунча кўп чиқим қилишга тўғри келади. Бу бир қарашда аризмас бўлиб кўларини, янги оёққа тураётган хўжалик учун оғирлик қилади.

Шунингдек, зотли, маҳсулдор моллар сотиб олишда фермерларга жамоа хўжалиқлари кўмак бериб турсалар яхши бўлар эди. Маҳсулдорлик ва даромад кўп жиҳатдан моллар зотининг яхшилигига боғлиқ. Давр хусусийлаштириш, шавсий фаолият турларини ривожлантириш талабларини қўяётган экан, энг шимариб чиқаётган кишилар гайратини рағбатлантириш зарур. **Темур ҲАЙДАРОВ**, «Халқ сузи»нинг жамоатчи мухбири.




«Наманган қурилиши» бошқармаси бунёдкорлари тиклаган кўркам бинолар, хўбонлар шаҳар хусусига хусн бағишламодо. Динқиса, шу йили барпо этилган талаба бoғида бўлган кишининг дили яйрайд.

### МАРКАЗИЙ ОСИЁ — УМУМИЙ УЙИМИЗ!

Биз — Тожикистон жумҳуриятининг фан ва маданият намоёндалари бегараз дўстларимиз дийдорига ҳаммиша ташнаимиз. Уларнинг муваффақиятларидан қувонамиз. Минтақадаги давлатлар ўртасида илмий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш ниятидан мамнунмиз. Дарҳақиқат, Марказий Осий минтақаси халқлари қадимдан узаро малавий ва маърифий алоқада бўлганлар. Ҳатто шўро мустабиллиги даврида ҳам фан ва маданият намоёндалари бир-бирларига интилиб ижод қилдилар, ўзларининг маънавий бойликларини сақлаб қолдилар.

Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг муваффақиятли ўтганидан бағоят қувондик. Бу талбир бизнинг дилларимизда дўстлигимизнинг узилган торларини қайтадан мустаҳкам боғлаш умидини уйғотди. Бизнинг халқларимиз учун узаро алоқа ва шу йўлдаги анъаналарни тиклаш ниҳоятда зарурдир. Шу сабабли ҳам фан ва маданият аҳли ассоциацияси ёки конгрессини ташкил этиш гоёси қўллаб-қувватлашга арзийди. Бу ассоциация ёки конгресс ҳар бир халқнинг бутунги ва қадимий маданиятини эъзозлаш асосида минтақамизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қилиши зарур. Биз аминмизки, бундан халқларимиз дўстлиги янада равнақ топади. Бу хайрли йўлда мавлоно Жалолдин Балхийнинг қуйидаги ҳикматларини унутмаслигимиз даркор: «Бизлар қалбларини бир-бирдан ажратиб учун эмас, балки уларни туташтиришга хизмат қилишимиз керак».



Тожикистонлик алабид, фан ва маданият арбоблари қўлдан бўлган дийдорини ва суҳбатларига ташналар. Шу боис, бу таклифни қўллаб-қувватлайдилар.

### САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты, Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тулаганов сайловчилар билан учрашди.

Тупланганлар илк марта кенг демократик асосда сайланган мамлакат парламентининг фаолияти билан таништирилди, иқтисодий ўзгаришларнинг биринчи босқичи якунлари, Президент Исом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни қуқурлаштириш йўлида» китобида аниқ белгилаб берилган бундан буёнги вазифаларни амалга ошириш тўғрисида гап борди.

### ЯНГИ НИЗОМ ИШЛАБ ЧИҚИМОҚДА

Ўзбекистон Фахрийлар ташкилотлари иттифоқи кенгашининг раёсати иттифоқнинг янги низомини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мустақил республикамиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиётининг янги шарт-шароити шунга тақозо этмоқда. Фахрийлар ташкилотлари иттифоқи кенгаши раёсатининг кенгайтирилган мажлисида янги низомнинг асосий қоидалари ва уни ишлаб чиқадиган ишчи комиссиясининг таркиби муҳокама қилинди. Мажлисда раёсат аъзолари, фахрийлар ташкилотлари вилоят кенгашларининг раҳбарлари иштирок этишди. Ўзбекистон Фахрийлар ташкилотлари иттифоқи кенгашининг раиси Б. Раҳимов матруза қилди.

Мажлисда шунингдек 1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини байрам қилиш якунлари чиқарилиди, кенгаш фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. (У.А.)

**Асқар ҲАКИМ** — Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси  
**А. САМАДОВ** ва **А. АБДУМАННОНОВ** — Ёзувчилар уюшмаси раисининг муовинлари  
**ГУЛНАЗАР** — «Адабиёт ва санъат» рўзномасининг бош муҳаррири, Рудакий номидаги давлат мукофотининг лауреати  
**Муҳаммадҷон ОСИМИЙ** — академик  
**Саттор ТУРСУН** — «Помир» журналининг бош

**муҳаррири**  
**Расул ХОДИЗОДА** — филология фанлари доктори  
**Холмурод ШАРИПОВ** — ёзувчи  
**Зайнулдин ЗУЛФИҚОРОВ** — бастакор  
**Рустам КАРИМОВ** — Тожикистон Меъморлар уюшмасининг раиси  
**Шоди ҲАНИФ** — ёзувчи  
**Раҳмат НАЗРИЙ** — шoir  
**Кароматулло МИРЗАЕВ** — «Адиб» нашриётининг директори, Рудакий номидаги давлат мукофотининг лауреати

**Дамир ДЎСТМУҲАММЕДОВ** — Тожикистон Бастакорлар уюшмасининг раиси  
**Муҳаммадҷон ШУКУРОВ** — академик  
**Вафо НАЗАРОВ** — Тожикистон бадий фонднинг раиси  
**СОП БОН** — ёзувчи  
**Жўра ҲОШИМИЙ** — шoir  
**Равшан ЁРОВ** — ёзувчи  
**Худойи ШАРИПОВ** — филология фанлари доктори.

### • Ғалла мустақиллиги йўлида

**ОМБОРЛАРИ ҲАМ ТУПДИ, ҲАМЕНИЛАРИ ҲАМ**  
**Бобур тумани ғаллакорлари Сайхунбод, Оқолатин туманлари ва Гулистон шаҳри деҳқонларидан сўнг маррага етдилар. Шу тумандаги «Тараққиёт» хўжалиги жамоаси эса охида биринчи бўлиб ҳосилини саранжомлаб олди.**

### ТАҒАНРОГ КОМБАЙНЛАРИ ҚўЛ КЕЛДИ

**Зафаробод ва Пахтакор туманлари бир-бирга туташ, бир ариқдан сув олади, ер шароити ҳам бир хил. Бу икки туман ғаллакорлари ҳар йили сувак ерларда мўл дон ҳосили етиштириб, пешқадамлик қилишяпти.**

### ШАФТОПИ ЁҒИ

«Кўкчи ё-мой» ҳиссалорлик жамияти шафтопи дала-тидан шифобаҳи ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мазкур маҳсулот инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали бўлиб, ошқозон — ичак касалликларини, астма ва эз қуйинини даволашда кўл келади. Маҳсулот тайёрланган учун керак бўладиган ҳомашининг асосий қисми аҳолидан йиғиб олинмоқда.

### ШИФОБАХШ СУВ

Инибозор тумани «Москва» жамоа хўжалигида доволаш масканда шифобаҳи сув булог ишланди.

### УНИ

Уни «Ўзбекистпрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Оролбўйи гидрогеология экспедициясининг муҳандис-техник ходимлари аниқлашди. Исқандити 37-39 даража бўлган бу сув таркибиде инсон саломатлиги учун фойдали кўпгина минерал моддалар бўлиб, бир қанча хасталиқларни даволашда кўл келади. Инибозор сувидан аҳолини баҳраманд этиш мақсадида бу ерда уни ишлашга қўйиш чехи қурилиши бошлаб юборилди.

### ХАЙНГБОЙ НАБИРАЕВ

«Халқ сузи» мухбири.

### МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ БЕКОР ЁТМАСИН

14 июль кун «Ўзбекметкомбинат» Ўзбекистон акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков раислигида металл парчалари ҳамда қора ва рангли металл чиқитларини тўлаш ва қайта ишлашга топириш масалаларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар ва идораларнинг, республикадаги бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этишди. Шу йилнинг биринчи ярмида металл парчаларини тўлаш ва топириш юзасидан белгиланган топириқнинг қандай бажарилгани тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисда таъкидланганидек, маҳаллий ҳокимият органларининг, кўп вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг сазй-ҳарақатлари туфайли режалаштирилганидан кўпроқ миқдорда қимматли иккиламчи хомашё тайёрланган. Бу — кейинги ярим йил давомида «Ўзметкомбинат»нинг бир меърада ишлашини таъминлайди, Айни пайтда режалаштирилган кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлай олмаган раҳбарлар қаттиқ танқид қилинди.


Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосари Ю. Пайтин иштирок этди. (У.А.)

ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ  
«Халқ сузи» ва УЗА муҳбирлари хабар қиладилар.  
«ЕВРОСТАТ» КУМАГИ  
Самарқандда «Евростат» жаҳон статистика мутахассисларининг ташаббуси билан «корхоналар статистикаси ва ишлаб чиқариш жараёнини тадиқ қилиш» мавзусида халқаро семинар ўтказилди.  
Унда Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикалари ҳисоб-китоб ҳамда истиқболни белгилаш хизмати раҳбарлари ва мутахассислари қатнашди. Улар бир ҳафта давомида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида статистикада илгор иш усулларини қўллаш, тармоқни компьютерлаш муаммоларини муҳокама қилдилар, бу борадаги тажрибаларни ўргандилар.  
АППА ҚУШИҚЛАРИ  
Қаршида «Пасад» нашриёти «Ўзбек алакалари» китобини нашр этди.  
Ўзбекистоннинг жанубий шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси алакаларини йиғиб, нашрга тайёрлашда Қарши давлат дорилфунуни олимлари Т. Нафасов ва К. Очиловнинг хизмати катта бўлди. Салкам олти босма табоқ ҳажмида чоп этилган бу тўпلام вилоят нашриётида босилган «Ўзбек халқ ижоди» туркумидаги энг яхши китоблардан биридир.  
ФИРМА ДУКОНЛАРИ КУПАЙДИ  
Нукусда «Арулар» фабрикаси очиқ турдаги хиссалорлик жамиятига айлантирилгандан кейин ишлаб чиқарилаётган кийим-кечалар бир ярим баравар кўпайди, сифати яхшиланди.  
Буни ҳисобга олган жамият раҳбарлари бир йўла тўққиз туманда фирма дуконини очилди. Бу дуконлардан харидор аримаялти.

# ЎЗБЕКИСТОН ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИДА

Собиқ социалистик давлатлардаги иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш тажрибаси ислохотлар қийинчиликсиз бўлмаганини кўрсатмоқда. Ислохот — эски тизимни қайта қуришдир, бунда ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш таркиби ўзгарилади, асосий фондлар ёппасига янгиланади. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми кескин камайишига олиб келиши турган гап. Айна пайтда қўшимча равишда кўп ресурсларни сарфлашга тўғри келади. Шу сабабли, ислохотларни амалга ошириш чоғида яхши иқтисодий натижаларга қийинчиликсиз, ишлаб чиқариш таназзулисиз эришиш эмас, балки чиқимлар даражасини мумкин қадар камайтириш тўғрисидаги масала қўйилади. Ўзгаришларнинг қайси вариантти самардорлиги, ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг амалий жиҳатдан фойдалилиги хусусида айна шу нуқтага назардан хулоса чиқариш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда Ўзбекистонда ўзгаришлар қандай бормоқда?

Иқтисодий ҳолатнинг тўлиқроқ кўрсаткичи — **ҳақиқий ички ялпи маҳсулот даражасидир**. Агар социалистик мамлакатларда иқтисодиётнинг ҳолати кўнгилдагидек бўлган сўнгги йил — 1990 йилга даража 100 фоиз деб олинса, 1994 йилда ушбу тасвирдаги манзара вужудга келди.



Кўриниб турибдики, собиқ социалистик мамлакатларни ислохотларнинг самардорлиги жиҳатидан тўрт гуруҳга ажратиш мумкин. **Биринчи гуруҳ** — ишлаб чиқариш даражаси пасайишни тўхтаган ва тез ўсиш кўзга таъналанган мамлакатлар. Хитой билан Польша шу мамлакатлар тоифасига кирилади. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш зарурки, Хитойда ишлаб чиқаришнинг ўсиши 1990 йилларгача бошланган бўлса, Польшада 1993 йилда ҳам ишлаб чиқаришнинг таназзули давом этган эди. **Иккинчи гуруҳ** — таназзул даражаси жуда кам бўлган — ишлаб чиқариш 75-85 фоиз атрофида сақлаб қолingan мамлакатлардир. Венгрия, Чехия, Словакия, Руминия, Болгария, шунингдек Ўзбекистон бу гуруҳга кирилади. **Учинчи гуруҳ** — ишлаб чиқариш даражасининг пасайиши 50 фоиз атрофида бўлган мамлакатлардир. Булар — Беларусь, Украина, Россия, Қирғизистон, Қозғистон. Ниҳоят, **тўртинчи гуруҳ** — иқтисодий вазият гоёт номақбул аҳолига тушган мамлакатлардир. Булар — Арманистон, Молдова ва Грузия бўлиб, уларда ишлаб чиқариш даражаси 1990 йилга нисбатан 20-40 фоизни ташкил этади.

## АСОСИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Ислохотларнинг самардорлигига ҳолис баҳо бериш учун бу ислохотлар қандай шароитда бошланганини эслаш зарур. Чунинчи, Шарқий Европа мамлакатлари асосан кулай вазиятда бўлганлиги сабабли иқтисодий ўзгаришларда бошқа собиқ социалистик давлатларга нисбатан анча илгарилар кетди. Социалистик лагердаги барча давлатлар орасида бу мамлакатларда кўпроқ ривож топган ишлаб чиқариш салоҳияти мавжуд, уларнинг фарбий Европа билан кенг ҳўжалик алоқалари тўхтаган эмас эди. Бу мамлакатларда бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ўзгаришлар собиқ СССРдаги давлатларнинг кўпчилигига нисбатан икки йил аввал — 1989 йилдаёқ бошланган эди. Шунга қарамай, бу мамлакатлар иқтисодиёти шу вақтга қадар тубдан яхшилангани йўқ.

Ишлаб чиқариш, биринчи навбатда сановат ишлаб чиқариш сезиларли даражада камайиши давом этмоқда. Уй-жой қурилиши кескин қисқарди. Венгрия билан Словакиядан ташқари, бу давлатларнинг кўпчилигида ишлаб чиқаришга сармоа солиш чекланганча қолмоқда, чакана савлода ўсиш ва аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳақиқий даромадларнинг кўпайиши кўзга ташланмапти. Фақат Чехия билан Словакияда пулнинг қадрсизланиши сурати пасаймоқда. Шарқий Европадаги бошқа ҳамма мамлакатларда пулнинг қадрсизланиши анча юқори даражада сақланиб турибди. Ишсизлик даражаси Чехияда 5 фоиз ва Югославия Иттифоқ Республикасида 25 фоизгача ўзгариб турибди. Фақат банк, молия ишида, тadbиркорлик соҳасига хизмат кўрсатишда иш билан таъминлашнинг ўсиши қайд этилмоқда. Шарқий Европадаги барча давлатларда, шу жумладан Германиянинг шарқий ўлкаларида ана шундай ҳолат юз берганига қарамай, ислохотнинг асосий ўзаги — тузилмаларни қайта қуриш ҳанузгача тугалланган эмас.

Собиқ совет республикалари ислохотларни анча қийинроқ шароитда амалга оширишга киришди. Бу ерда ислохотлар бошланганига қадар юксак даражада марказлашган ишлаб чиқариш мавжуд бўлиб, маъмурий буйруқбозлик усуллари чуқур идиз отган, республикаларнинг иқтисодиёти худудлараро ва тармоқлараро кооперацияга қаттиқ боғлиқ қилиб ва ривожланган давлатлар иқтисодиётидан бутунлай ажратиб қўйилган эди. Бундан ташқари, иттифоқнинг сўнгги раҳбариятининг иқтисодий жиҳатдан анча уқувсизлик билан қилган ҳаракатлари ва кўрган чоратadbирлари натижасида макроиқтисодиётнинг номуаносиблиги кучайди ва ялпи талаб билан тақлиф мувозанатининг бузилиши кўпайди. 1987-1990 йилларда иш ҳақининг ўсиши меҳнат унумдорлиги ўсиши сурьятдан 4 баравар юқори бўлди, банк кредитлари миллий даромадга нисбатан икки баравар тезроқ ўсди.

Буларнинг барчаси пулнинг қадрсизланиш жараёни унча сезилмайдиган иқтисодиётга олиб келди. Пулнинг қадрсизланишини фақат нархларни ўзгаришмаслик ва корхоналарнинг банклардаги пулларини беришни таъқиқлаб қўйиш сиёсатига ушлаб турар эди. Бироқ, совик иттифоқ ўрнида пайдо бўлган янги мустақил давлатларда пулнинг қадрсизланиши энди яққол кўзга ташланганидан шакилларда авж олиб кетди. Натижалда, 1991 йилда ислохотларни бошлаш учун 1986-1989 йиллардагидан ҳам қийин иқтисодий шароит вужудга келди. Собиқ иттифоқ республикалари ана шундай шароитда ислохотларни **Шарқий Европа мамлакатларидаги каби тизим ва ташкилотларни**

ўзгаришдан эмас, балки барқарорлаштириш чораларини кўришдан бошлашга тўғри келди.

Марказий Осиёдаги янги давлатларда ислохотларни бошлаш пайтида шароит бундан ҳам оғир эди. Бу давлатлар тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари туфайли умумиттифоқ ҳўжалик мажмуига чуқур боғлиқ қилиб қўйилган, ҳақон иқтисодиёти учун бошқа давлатларга нисбатан унча очик эмас эди. Шу сабабли бу давлатларда ҳўжалик алоқаларининг узилиши жуда оғир оқибатларга олиб келди. (Илгари Совет Иттифоқи таркибига кирган ва зиммасига Финляндия ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий ҳажми тўғри келадиган давлатларда Финляндиядаги иқтисодий аҳоли кўнгилдагидек бўлишига қарамай, бузилиш жараёни ялпи маҳсулотнинг 8 фоиз қисқаришига олиб келгани ҳўжалик алоқаларининг узилиши умумий иқтисодий аҳолига қай даражада таъсир кўрсатишидан далолат бериб турибди). Айна пайтда Марказий Осиёда иқтисодиётнинг хомашё етиштиришга қаратилганини тугатиш, қазилма сановати билан қайта ишлаш тармоқлари ўртасидаги номуаносибликни бартараф этиш, экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш, ҳақон ҳўжалик алоқаларига қўшилиш ўткир муаммо бўлиб турар эди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон айна шундай мураккаб шароитда бошқа Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда туб иқтисодий ўзгаришларни бошлади. Мазкур шароитни ҳисобга олган тақдирдагина бу давлатлар сўнгги йилларда эришган ютуқларни муносиб баҳолаш мумкин бўлади.

## ЮТУҚЛАРНИНГ ОМИПЛАРИ

Эришилган ютуқларнинг сабаби нимада? Буни тушуниб етиш учун ислохотларнинг бошланганига назар ташлаш зарур. Ўзбекистон 1991 йилда мустақил давлатга айланган, раҳбарият иқтисодиёти ижтимоий йўналишга қаратилган кучли демократик давлат қуриш йўлига ўтди, иқтисодий ўзгаришларга ёндашувлар ишлаб чиқилди. Бу ёндашувларга Президент Ислам Каримов ишлаб чиққан бешта тамойил асос қилиб олинди. Иқтисодиёт сиёсатдан холи бўлиши керак; Давлат — бош ислохотчи; Ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устувордир; Кучли ижтимоий муҳофаза; Ўзгаришларнинг аста-секин ва изчил амалга оширилиши ана шу тамойиллардир. Бу тамойилларни умуман таҳлил этиб, ислохотларга ақд-идроқ ва билимдонлик билан амалий ёндашув асос қилиб олинганини қайд этиш мумкин. Ислохотлар жараёнида бу ёндашув собитқадамлик ва изчиллик билан амалга оширилмоқда, бир дақиқалик сиёсий манфаатларни кўзлаб, бир томондан иккинчи томонга сакрашларга йўл қўйилмаётгани йўқ.

Собиқ социалистик мамлакатларда иқтисодий ислохотларнинг бориши ўзгаришларни амалга оширишнинг икки йўлини таъкидлаб кўрсатишга асос бўла олади.

Биринчи йўл — ҳўжалик фаолиятининг барча томонларига эркин тус беришнинг устуворлиги. Бундай ёндашув тарафдорлари юқоридан бўлидиган кўрсатмалар билан бир вақтда бозор муносабатлари ўрнатилса, бозор ишга тушиб кетади, ҳамма нарса жойида бўлади ва бозор муносабатлари бутун иқтисодиётни юксалтира бошлайди, деб ўйлаб, бозор муносабатлари ўз-ўзидан самара беришига умид қилди.

Россиядаги Гайдар ислохотлари, Польша ва Туркиядаги ислохотлар шундай йўлдан амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Бироқ, бундай ислохотларнинг самараси улар аввалдан кенг ривожланган хусусий мулкчилик мавжуд бўлган тақдирдагина озми-кўпми муваффақиятга амалга ошишини кўрсатмоқда. Иқтисодиётда хусусий сектор қанча катта бўлса, ҳўжалик фаолиятга эркин тус бериш шу қадар кўпроқ яхши самара беради. Германия ва Туркияда шундай бўлган. Польша ҳам шу йўлдан борди. Чунки Польшада, айниқса қишлоқ ҳўжалигида хусусий сектор бошқа социалистик давлатларга нисбатан кўпроқ ривожланган эди. Шунга қарамай, хусусий мулк ривожланиши анча чеклаб қўйилганлиги туфайли Польшада «фалаж қилиб даволаш» усули катта қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Шу сабабли, мулкнинг кўп қисми умумлаштирилган, иқтисодиёт давлат қўлида бўлган шароитда дастлабки босқичда мулкчиликнинг кенг қанчалар таралгани тегишли негизни вужудга келтириш зарур, шундай негиз мавжуд бўлсагина бозор механизмлари самарали ишлай олади. Фақат шундан кейин ёппасига эркин тус бериш тўғрисида гапирish мумкин. Бундай негизни барпо этгунга қадар иқтисодиётда давлат иштирокини чеклаш жуда оғир оқибатларга олиб келади. Бир қанча собиқ социалистик давлатларда айна шундай ҳол кўзга ташланмоқда. Шу боисдан бозор иқтисодиётга доир ўзгаришларни амалга оширишда, айниқса ислохотларнинг дастлабки босқичларида давлат етакчи ўринда туриши зарур. Бу Хитой, Вьетнам ва Ўзбекистон бораётган иккинчи йўлдир.

## ЎЗГАРИШЛАРНИНГ БОРИШИ

Ўзбекистон мавжуд улкан-салоҳият негизиде замонавий қудратли иқтисодиётга эга бўлган кучли демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун нима қилиш зарур эди?

Биринчидан, мулкчиликни ислоқ қилиш, иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш, давлатга қарашли бўлмаган кенг ва қудратли секторни вужудга келтириш, яъни **таркибий ўзгаришларни** амалга ошириш зарур эди. Иккинчидан, бозор муносабатлари учун зарур шарт-шароит, муҳитни вужудга келтириш, яъни бозор иқтисодиётининг зарур қонуний негизини ва ташкилотларини, ёрдамчи тармоқларини вужудга келтириш, **ташкилотларни қайта тузиш** зарур эди. Муаммоларнинг ана шу икки мажмуини ҳал қилиш асосидагина ислохотларнинг асосий стратегик вазифалари ва мақсадларини ҳал қилишга ёндашиш — хомашё етиштиришдан юксак рақобатбардорлиқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга, эскирган ишлаб чиқаришдан замонавий юксак технологияларга ўтиш, яъни **иқтисодиётни тузилмаларини қайта қуриш** мумкин бўлади.

Ўзгаришлар йўли изчиллик билан шу йўналишда олиб борилмоқда. **Тизимларни ўзгариш сиёсати** соҳасида катта сиқиллаш бўлди. 1991 йилга қадар иқтисодиётда давлат сектори устулик қилиб келган бўлса, 1993 йилда унинг улуши камайиб, 61,9 фоизга, 1994 йилда эса, 47 фоизга тушди. Хусусий сектор тез кенгайиб бормоқда. Агар 1993 йилда миллий даромаднинг умумий таркибида унинг улуши 13,1 фоизни ташкил этган бўлса, 1994 йилда 21,6 фоизга етди.

Лекин бу соҳада ҳали кўп иш қилиш керак. Масалан, 1995 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотдаги давлат бюджетининг улуши даромадлар буйича 45 фоизни, харажатлар буйича 49 фоизни ташкил этди. Бу ҳали жуда кўп. Ривожланган мамлакатларга эмас, балки МДХдаги бошқа республикаларга қиёслаганда ҳам жуда кўп. Бу маълумотлар ижтимоий маҳсулотнинг давлат ва унинг ташкилотлари орқали қайта тақсимланганидан улуши ҳали ҳам кўпли-

гидан далолат беради.

Тизимларни ўзгариш билан бир вақтда **ташкilotлар ҳам ўзгаририлмоқда**. Ташкilotларни ўзгаришнинг моҳияти ҳўжалик юритувчи субъектлар ресурсларнинг барча турларидан — товарлардан, молия ва ахборотдан тенг фойдалана оладиган механизмларни яратишдан иборат. Шу йўналишда ресурсларнинг давлат таъминоти тизими орқали марказлаштирилган тартибда маъмурий йўл билан тақсимлашдан аста-секин қайтиб, уларни биржада эркин савдо йўли билан тақсимлашга ўтила бошлади. Натижалда эркин (шартномавий) нарх белгилашга ўтиди, чунки бусиз бозор муносабатларининг ўзи мавжуд бўла олмайди. Товар биржалари тизими вужудга келган.

Бутун банк-тўлов тизимини тубдан қайта қуриш, уни ҳақон андозаларига мос келадиган янги босқичга ўтказиш йўли билан молия ресурслардан эркин фойдаланиш таъминланмоқда. Илгари банклар давлат маблағини тақсимлаш воситаси эди, ҳозир эса улар бозор иқтисодиётининг молиявий ресурслар оборотини таъминлайдиган «қон томири»га айланмоқда.

Бозор иқтисодиётининг бекор турган пулни истиқболли ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлашга имкон берадиган такрорий ишлаб чиқариш циклининг ўзаги бўлган сармоа бозори шаклланди. Кўнмас мулк биржаси ва фонд биржаси бу бозорнинг энг муҳим ташкilotларидир. Сармоа солиш жараёни тамойилининг ривожланишида ҳам муайян силжишлар кўзга ташланмоқда. Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва тараққиёт истиқболлари ишлаб чиқаришга нисбатан истеъмол ва жамғаришнинг ўзаро нисбатига қараб аниқланади. Жамғарма даражаси қанча юқори бўлса, яъни асосий ишлаб чиқариш фондларига сармоа сарфланган бўлса, келгусидаги ривожланиш шу қадар муваффақиятлроқ таъминланади. Ҳозирги пайтда кўпчилик МДХ давлатларида «сармоа таназзули» тўғрисида кўп гапирилаётган, яъни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга пул сарфлаш даражаси пасайиб бораётган экан, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришга сармоа сарфлаш кўпайиб, 1991 йилдаги 17 фоиздан 1994 йилда 25 фоизга етди. Бу тамойил фақат Тошкентдагина эмас, вилоятларда ҳам қурилиш ишлари жадал олиб борилаётганида яққол намоён бўлмоқда. Қурилишнинг умумий ҳажмида уй-жой қурилишининг улуши каттароқ. Бу ҳам келажакни кўзлаб сарфланаётган ўзига хос сармоадир.

Тизимлар ва давлат ташкilotларига доир вазифаларни ҳал этиш ислохотларнинг муайян босқичларида устувор йўналиш ҳисоблана-да, **ислохотларнинг асосий мақсади таркибий ўзгаришлардир**. Бу соҳа ҳамиша ҳукумат фаолиятининг доимий гамҳўрлиги остида туради. Уни амалга ошириш учун давлат маблағи ажратилмоқда, хорижий сармоа жалб қилинмоқда. Бу ишларнинг натижалари эса, сезиларли бўлиб қолди. Масалан, пахтадан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиб, 9 фоиздан 14 фоизга етди. Экспортда хомашё улуши 14-15 фоизга камайди ва тайёр маҳсулот улуши шунга мувофиқ равишда кўпайди. Четдан келтириладиган маҳсулотлар таркибида ҳам катта ўзгаришлар бўлди, яъни ҳалқ истеъмоли моллари улуши анча камайди, машиналар ва технология ускуналари улуши эса кўпайиб, 3-5 фоиздан 36 фоизга етди. Четдан келтириладиган маҳсулот таркибидаги бундай ўзгаришлар иқтисодиётни технология жиҳатидан янада янгилашга, яъни ана ўша таркибий қайта қуришга хизмат қилади. Шунингдек, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайди, мис гўла сифатида эмас, балки мис сим сифатида, олтин эса ёмби сифатида эмас, балки заргарлик буюмлари сифатида экспорт қилинмоқда. ДЭУ ва «Мерседес» билан биргаликда автомобил ишлаб чиқарадиган, ДЭУ билан биргаликда электроника ишлаб чиқарадиган корхоналарни, Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводини ва бошқа корхоналарни ишга тушириш таркибий қайта қуриш доирасида катта аҳамиятга эга.

Шу тариха, ислохотларнинг боришини таҳлил этиб, асосий ютуқларга ислохотни босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга ошириш туфайли эришилмоқда, деб хулоса чиқариш мумкин.

Бироқ, барча таркибий ўзгаришлар, тизимларни, ташкilotларни ўзгаришнинг мақсад — **умуман иқтисодиётни янада самарадор қилиш ва шу асосда халқ турмуш даражасини оширишга эришишдан иборат**. Энергия тизими, энергия ресурсларининг аҳоли иқтисодиёт самардорлиги нуқтаи назаридан энг муҳим омиллардир. Энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, энергияни истеъмол қилиш уларни қазиб чиқаришни ва иқтисодиётда фойдаланишни кўпайтиришни тақозо этади. Шу жиҳатдан қараганда, Ҳозирги пайтда МДХ давлатларида бу соҳада ўз бораётган вазият диққатга сазовордир.

### Газ қазиб олиш (1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

	1990	1991	1992	1993	1994
Ўзбекистон	100	102,7	104,9	110,3	115,7
Россия	100	100,3	100,0	96,4	94,7
Украина	100	86,8	74,4	68,3	65,1
Қозғистон	100	111,3	114,1	94,4	63,4
Туркменистон	100	96,0	68,5	74,6	40,5

1990 йилдан 1994 йилга қадар бўлган даврда Ўзбекистондан бошқа МДХдаги барча давлатларда газ қазиб олиш камайди. Ўзбекистонда газ қазиб олиш ҳажми умуман 15,7 фоизга ўсди. Нефть қазиб олишдаги натижалар бундан ҳам сезиларлилар:

### Нефть қазиб олиш сурьатлари (1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

	1990	1991	1992	1993	1994
Ўзбекистон	100	100,0	117,9	139,0	196,4
Украина	100	92,4	84,9	79,2	79,2
Қозғистон	100	103,1	100,0	89,1	78,7
Туркменистон	100	94,7	91,2	86,0	71,9
Россия	100	89,5	77,3	68,6	61,2

Бу икки жадвалда Ўзбекистон Республикасида энергopе-сурслар ишлаб чиқариш ҳажмининг юксалиши тамойили яққол акс этган.

Яна бир муҳим тамойил чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга намоён бўлмоқда. Эҳтиёж ва тақлиф мувозанатига асосланувчи энг муҳим бозор механизмлари ишга туширилган ҳозирги шароитда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай ўсиши аҳолининг тўлов қобилиятли эҳтиёжи кенгайиб боришига таянади. Шу жиҳатдан қараганда, қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар умидбахш белгилардир.

## ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ

(1995 йилнинг биринчи чорагида 1994 йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан фоиз ҳисобида)

	гўшт	сут	тухум
Озарбайжон	68	64	51
Арманистон	86	93	129
Беларус	90	85	106
Қозғистон	75	70	70
Қирғизистон	91	91	42

Молдова	98	64	125
Россия	84	86	90
Тожикистон	95	73	65
Туркменистон	90	79	89
Украина	94	88	92
Ўзбекистон	100,5	99,4	97

МДХ давлатларида умуман чорвачилик маҳсулотлари етиштириш камайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонда сут ва тухум етиштириш соҳасида барқарорлаштиш тамойили яққол кўзга ташланмоқда. Гўшт етиштириш эса, бироз кўпаймоқда. Бу тамойил чорва молларини кўпайтириш соҳасида тағин ҳам аниқроқ кўзга ташланмоқда:

## БАРЧА ТОИФАДАГИ ХўЖАЛИКЛАРДА МОП ТУЁФИ

1995 йилнинг 1 апрелига қадар (1995 йилда 1994 йилдагига нисбатан фоиз ҳисобида)

	қорамол	жумладан ситир	чўчқа	қўй ва эчки
Озарбайжон	84	87	74	92
Арманистон	84	89	78	74
Беларус	91	97	89	67
Қозғистон	85	90	77	75
Қирғизистон	88	94	78	67
Молдова	77	77	86	80
Россия	90	90	86</	



• Йўлдош СУЛАЙМОН 60 ёшда

ЮРТ АРДОҒИДАГИ АДИБ

Ишондилар — деган эди бир доно файласуф. Вилоятларда яшаб, ижод қилаётган ёзувчиларимиз, шу жумладан Йўлдош Сулаймон ана шундай «иштирокчи» ёзувчилардан.

Фарғонанинг Қўдинбулоқ кичкоғида таваллуд топган ижодкор олтинчи йилдирки ўз юрти, эл-заоти, унинг деҳқони, қосибиди, зиялиси орасида, уларнинг дарди, орзу истакларига шерик бўлиб яшаш келмоқда. Ўз ижодини болалигидек кичкинтойларга шевр ёзишдан бошлади. Болаларга «Хамма хавас қилди», «Сайёҳатчилар», «Мен отамни ўйлайман» номли китобларини тақдим этган. Унинг болаларга аталган шеърлари бир неча бор ёшларнинг тақдирномаларига ҳам сазовор бўлган.

Йўлдош Сулаймоннинг катта-катта бағишланган шеърлари, газаллари нафақат кутубхонаю кироатхоналарини, балки баъзиона тўйхоналари ҳам обод қилиб туради. Унинг шеър ва газалларини водийдаги энг машхур ҳофизу хонандалар ашула ва кўшиқ қилиб куйлайдилар.

Дардим сизмас дунёга Сизмай қолдим ўзим ҳам...

Хайлимда бир-бирин

Алдар икки кўзим ҳам.

Истиклолимиз арафасида ошкор қилинган шoirнинг бу дарди эл-юрт дарди эди. Шунинг учун бу сатрлар ҳаммамнинг юрак кўшиги бўлиб янграб келмоқда. Шoirнинг «Шахризода» «Фарғоннома» каби достонлари ва қатор шеърӣ тўпламлари чоп этилган.

У қайноқ ҳаёт ичида эмасми, доимо воқелиқлар гувоҳи, иштирокиси, нодир фактлар тўловчиси, воқеановис ҳамдир. Замондошларимизнинг унумли меҳнатига бағишланган қатор очерклари вақтли матбуоатда босилиб сўнгра рисола шаклига келтирилган.

Фарғона вилоят «Коммуна» (ҳозирда «Олтин водий») газетасида кўп йил адабиёт бўлимини бошқарган Йўлдош Сулаймон бир неча истеъдодли қаламкашлар билан ҳамкорликда «Фарғона зафарномаси» туркум очерклари яратди. Аста-секин наср жанрида қалам тебратта бошлаган адиб «Муҳаббатли авлодлар», «Далада қолган гул» киссаларини, «Субҳидам», «Ва-

фо», «Боболар қалби» номли романларини китобхоналарга тақдим этди.

Ёзувчи, журналист, жамоат арбоби сифатида вилоятдагина эмас, балки республикадагина катта обрў қозongan Йўлдош Сулаймон чорак ардан кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Фарғона бўлимига бошчилик қилиб келди. Унинг ташаббуси билан ёш ижодкорлар уюшмаси тўзлиб, ибратли ишлар амалга оширилмоқда: истеъдодли ёш шoir, ёзувчи, rassomларнинг илк асарлари чоп этилиб, республикамиз худудларига тарқатилмоқда.

Хуллас вилоятда у бош кўшмаган ҳаракат, у қўл урмаган тадбир йўқ. Табиатдан кувноқ, хушқадқаб бу инсонни ҳамма жойда кўчак очиб кўтиб олишадилар. Шунинг учунми, адибнинг олтинчи йиллик тўйи олдиндан вилоятда уни ижодий гурунгда, шеърхонликка қачирмаган бирорта туман, жамоа, қишлоғу маҳалла қолмади. Унинг бундан кейинги ҳаёти ҳам ана шундай эъозли ва ардоқли бўлсин.

Иброҳим РАҲИМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Адабиёт ҳақида гап кетганда фарғоналик Йўлдош Сулаймон, наманганлик Ҳабиб Сайдулло, самарқандлик Душан Файзий, андижонлик Турсуноди Содиқова, сирдарёлик Тура Сулаймонларни четлаб ўтормаймиз. Улар марказдан, билнобарин матбуот, нашриётлардан узоқда, ўзига хос маҳаллий шароитда яшаб ижод қилсаларда, адабиётимиз билан ҳамнафас одимламолдар, ҳаммиса эл-юрт эътиборида, халқ ҳурматида, ҳаёт ичида.

«Китобхон эътиборини ва ишончини қозонмоқчи бўлсанг, йўқ деганда бир hafta ўз қаҳрамонларинг турмушида яшаб кўр. Иштирокчиға гувоҳдан кўра кўпроқ, гувоҳға тарихидан кўра кўпроқ, тарихчиға эса, факт тўловчидан кўра кўпроқ

«МУСНААҚИЛЛИК» ПУЛ-БҲҮОМ ЛОТЕРЕЯСИ

«МУСНААҚИЛЛИК» пул-бўюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражидида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Лотерея билетларини Жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29-30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки куйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин

33-51-95, 45-35-49, 45-66-43. СИЗГА ОМАД ШИЛАЙМИЗ!

- МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МАРКАЗИЙ БАНК, ЖАМҒАРМА БАНК, АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКСАВДО, ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

"ПЕНТ-ЎЗ" ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ, ИТАЛИЯ. РЕМ-Ц. Қўшма корхонасининг махсуслотларига марҳамат! Италия технологияси ва хомашёлари билан тайёрланган тағина олдирмайдиган копламали идишларимиз сифатлиниги жиҳатидан чет элларда ишлаб чиқарилаётган энг яхши идишлар қаторида баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Марказий Қўмитаси Й. Охунбобоев номи республика тиббиёт билим юрти билан ҳамкорликда, 1990 йилдан бери фoлмлат кўрсатаётган меҳр-шафқат тиббиёт хамширалари тайёрлайдиган бир йиллик курсга тақлиф қилади. Ҳақиқат урта мактабни ёки урта махсус билим юртини битирган талабалар, суҳбат йўли билан қабул қилинади. Ҳақиқат пулиқ бўлгани учун ҳужжатлар топшириладиганда кассасига бирламчи ўқини бадали топширилиши шарт. (Ўқини ҳақи 1 августга экин белгиланади).

ТВ ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 17. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ёшлик" студияси. "Эгуликка интилиб". 18.50 "Келармикан". Кичик концерт. 19.05 "Кашф этилаётган имкониятлар". 19.25 Ўзлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 "Туркистон — умумий уйимиз". 20.15 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Ўзлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Ўзлонлар. 21.30 "Ноширлар мактаби". 22.00 ЎзТВ хазинасидан. Турғун Пулат. "Ичкўёв". Видеофильм. 1-қисм. 23.05 Ўзлонлар. 23.10—23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

# Бир пиёла чой устида



## РАҚСГА ТУШАЁТГАН ИПОНИ!

Яқинда Термиз шаҳридаги кўп қаватли уйлардан бирида истиқомат қилаётган Муслима Алимованинг хонадонидида кутилмаган воқеа юз берди. Хонадон меҳмони ором курсига ўтириб, ажойиб шарқона куй таралаётган магнитофон томонига ўтирилади. У аввалига магнитофон устидаги чипор илонни ўйинчоқ бўлса керак деб ўйлади. Бироқ, унинг мусиқа оҳангига мос рақсга эшилиб-эшилиб тушаётганини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. Меҳмон шу пайт хонага кирган меҳмонга ишора билан магнитофон томонини кўрсатди. Илонга кўзи тушган ўй бекаси ҳушидан кетаёпти. Аёллар хонасидаги воқеадан воқиф бўлган хонадон соҳиби қўлига илинган супурги билан илонни ҳайдашга тушди. Рақсига ҳалақат берилган илон бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

*Равшан Солиҳов Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали ва комедия театрининг етакчи актери. У ўйнаган роллар ўзининг жозибаси ва кулгига бойлиги билан ажралиб туради.*

— Ёшлик йилларим Олмазор маҳалласида ўтган. Уйимиз Муқимий театрига яқин бўлганлиги учун бир актириси аёл бизникида ижарада турарди. — дейди Равшан ака суҳбатимиз аввалида.

— Санъатга қизиқшимга ўша аёл сабабчи бўлган бўлса, ажаб эмас. Чунки у пайтлар мен футбол «жинниси» эдим. Агар ўша аёл бўлмаганда ҳозир бирор бир футбол командасининг тренера бўлиб кетардим. Шундай қилиб, Муқимий театрига бориб, репетицияларни томоша қилиб қайтишни одат қилдим. Шу-шу санъатга қизиқшим ортиб кетди.

...Мақтабни тамомлаб эса Островский номидаги театр ва рассомчилик санъати институтига (ҳозирги М. Уйғур номидаги ТДСИ) ҳужжат топ-

ширдим. Лекин омадим юришмади, ўқишга киролмадим. Аммо нолимадим. Ўша йили бадий ҳаваскорлик тўғрисида ўқиб, иккинчи йили талаба бўлдим. Дастлабки фаолиятимни Муқимий театридан бошладим. Шу ерда суягим қотди. Театр нима, сахна нима ҳаммасини ўргандим.

— Равшан ака, Сиз видеофильмларда ҳам суратга тушгансиз...

— Тўғри, кўплаб видеофильмларда роль ижро этганман. «Қабрдаги хазина»да Даливой, «Дардисар»да Учқун Латипов, «Бозор кўрмаган йигит»да Аслхўжа, қолаверса, «Бир фожиа изилан»да Шотурсун, «Афандининг беш хотини»да Қодир банги,

«Тандир операциясида» истеъфодаги милиционер, «Сўнгги ўқ»да Шоқосим шунингдек, «Наштар» киножурналларида ҳам.

бор. — Айтинчи, ҳаётингизда бирор санъаткор санъатига қойил қолганмисиз?

ман. Яқинда у киши режиссерлигида Б. Муҳаммадхўжаевнинг «Қитмир» асари сахнага қўйилди. Унда мен ҳайвонот боғи қоровули Даган Дурдиевич образини яратдим. Асар театр мухлислари меҳрини қозонди. Ундан ташқари ҳарҳар замонда «шоир» бўлиб ҳазил шеърлар

*Не боис бегонага қоқибсан қошни? Авидо, бевафо хотин*

*Халма, Сен-ла жазманингни қилурман қийма.*

Аммо у ролни ўйнаш менга насиб этмади.

— Ҳозир қайси асар устида ишлаяпсизлар?

— Айни пайтда «Минг бир кеча» китобидаги «Бир кунлик Ҳалифа» қиссасини сахналаштираяпмиз. Бунда мен Абдуҳасан ролини ижро этаёман. Яқин кунларда бу комедия томошабинларга намойиш этилади.

— Оилангиз ҳақида икки оғиз...

— Турмуш ўртоғим ҳамшира. Икки ўғлим ва бир қизим бор. Катта ўғлим бу йил мактабни битирди. Қолганлари мактаб ёшида.

— «Халқ сўзи» муштарийларига тилакларингиз?

— Доимо соғ-саломат бўлишсин, дард нималигини билишмасин.

«Халқ сўзи» мухбири, Шавкат АЛПОМИШ ўғли суҳбатлашди.

## ИЖОДКОРНИ УМИД ТАРК ЭТМАСИН

Юзма-юз

Равшан СОЛИҲОВ:

— Кинода ҳам суратга тушгансиз?

— Армоним бирор фильмда каттамини кичик эпизод яраттиш.

— Шу кунгача ўйнаган ролларингиздан қониқиб қолганмисиз?

— Бу саволингизга «Йўқ» дейишдан бошқа жавоб беролмасам керак, чунки ҳали ижодни тўхтатганим йўқ, яна кўплаб образлар яратиш ниятим



— Иннокентий Смоктуновский санъатига «беш» кетаман. У чинакам истеъдод эгаси.

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Ўзи ижодкор халқининг бўш вақти бўлмайди. Аммо иложини топиб, бўш қолдим дегунча, Ўзбекистон халқ артисти, режиссер Баҳодир Йўлдошев ижодхонасида яъни А. Ҳидоятлов номидаги театрда бўлишга ҳаракат қила-

ёзиб тураман. Эсимда, қайсидир спектаклда менга шоир ролини тавсия этишганди. Асарда шоирнинг хотини ўз эрига хиёнат қилади. Шу спектаклдаги ролимга атай бир ҳазил шеър ёзганман, мана эшитинг:


*Эй фалак, гафлатда қолбсан шоир,*

*Кўзингга чўп солибди ҳамсоянг Тоир.*

*Унгидан келибди-ку, беъмани тушим,*

*Уйимда юрибди бир алкаш бешим.*

*Гуноҳи не эрди бу тилла бошини,*



Фарангистонлик Жан Франсуа Гравле (1824—1897) XIX-чи асрда яшаб ўтган энг уста дорбозлардан саналади. 1859 йил 30 июнь кунини машҳур Ниагара шаршараси узра 48,75 метр баландликда тортилган узунлиги 335 метр, қалинлиги 76 миллиметрли арқон бўйлаб юриб ўтди. Худди шундай натижани у орадан бир йил ўтиб — 1860 йилнинг 15 сентябрида яна такрорлади. Фақат бу сафар Гравленнинг елкасида Херри Колкорд исмли ошнаси ҳам ўтирарди.

Фаранглар учун жаҳаннам узра нафақат юриб ўтиш, балки оёқни узатиб уйкуни уриш ҳам чўт эмас кўрилади. Гравленнинг ватандоши Анри Роштан роппароса 185 кунни ўлим билан мушук-сичқон уйнаб ўтказди. У 1973 йилнинг 28 мартидан 29 сентябрига қадар 25 метр баландликда тортилган 120 метрли арқон устида яшайди. Роштаннинг арқон устида ухлай олиш лаёқати барчани, шу жумладан табобат билимдонларини ҳам ҳайратга солиди.

1988 йилнинг 1 мартида эса яна бир фаранг — Мишел Мене Вэнсуэладаги Салто Анхел шаршараси узра 1008 метр баландликда тортилган дор бўйлаб юриб ўтиб, дунёда тенги йўқ натижага эришди. Эртаси кунини у ушбу натижани яна такрорлади.

Энг узок вақт қарсақ чилининг улдасидан Хиндистоннинг Тамилнал шаҳрилик С. Жаёромон чиқа билди. 1988 йилнинг 12 февралдан 15 февралга қадар, 58 соату 9 дақиқа давомида у тинимсиз қарсақ чалиб турди. Қарсақ сурьати минутига 160 тани ташкил этди. Чапак овозини 109,7 метр наридан бемалол эшитиш мумкин бўлди.

Буюк Британиянинг Бексхилон шаҳридаги Беккетс бариди 4 кишидан иборат «Декорейтора» рок гуруҳи сахнада матонат-ла томоша кўрсата билди. Улар 147 соат давомида — 1984 йилнинг 8 январидан 14 январига қадар тинимсиз томошабинларни қушнуд этиб туришди.

Энг катта қоғоз пул 1368—1399 йиллар давомида Хитойда чиқарилган. Қиймати 1 қванга тенг мазкур пул 22,8 х 33,0 сантиметр ўлчамли қоғозга босилган.



## КУШОМАД СУЗЛАГАН ТИП ЯПАБ-ЯПАБ ЯРА ЭТАДИ

Халқ ўртасида шундай бир ҳикматли сўз бор: «Агар кушомад кишини хароб қилишини билганимда, душманимга кушомад қилган бўлар эдим». Дарҳақиқат, кушомадгўй, тилеғламачи, лаганбардорлар ўз манфаатлари йўлида бирор фойдаси тегадиган одамга чунонан яхши, илиқ-исеик муомалада бўладилар, чунонан ширинсўханлик қилиб, унинг оёғини ўпгудек бўладиларки, киши бундай сохталик, қалбақчиликдан «эриб» кетиб, алданиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолади. Бирмунча мақолларда шундай ҳолдан эҳтиёт бўлишга даъват этилади: «Кушомадгўйнинг саломни таъмасиз бўлмас», «Хом кишини кушомад хароб қилади» (хом киши — ҳаётий тажрибаси йўқ, яхши-ёмоннинг фарқига бормайдиган, ким нима деса, шунга лаққа тушаверадиган, кузатувчан бўлмаган одам); «Кушомадгўйга куй сўйдирма» (у сенга лаганбардорлик қилиб, кўзингга яхши кўриниш мақсадида ҳали сўйиш мўлжалланмаган ортиқча кўйларингни ҳам сўйиб юбораверадим, дейилмоқчи); «Ширин гапга учма, мақтаганин кучма»; «Чиройди мақтавдан — хунук ҳақиқат яхши».

Андижонда вилоят марказидаги телефон тармоқларини янгилаш юзасидан Корейнинг машҳур «ДЭУ-телеком» фирмаси билан шартнома имзоланди. Шу йилнинг ўзида шаҳарлараро ва шаҳар ички телефон станциялари аппаратларини алаштириш, аҳоли зич жойлашган даҳаларда иккита кичик станция ўрнатиш, 2 миң абонентга хизмат қиладиган янги автомат телефон станциясини қуриш бошланади.

Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги «Богдон» ижара ширкатлар бирлашмаси ҳузурда янги оҳақ заводининг биринчи навбати ишга тушди. Ҳозирги муайян иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Фориш чўлида ана шундай улкан иншоот қад кўтарди. Уни «Жиззахчўл-қурилиш» худудий бошқармаси бунёдкорлари фойдаланишга топширди.

**ШАНБАДАН ЖУМАГАЧА**

Хоразмлик 635 нафар ўғил-қиз ёзги таътилни Бустонлик, Чирчик, Оҳангарон, Тошкент денгизи соҳилларидаги хушманзара оромгоҳларида ўтказиш учун жўнаб кетди. Биринчи сменалада пойтахт яқинидаги дам олиш масканларида 628 нафар ўқувчи дам олиб қайтди. Бу йил ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида жами 22 миңдан зиёд бола дам олади.

Самарқанддаги А. Пушкин номи вилоят кутубхонасида бағийи галерея очилди. Унинг ташаббускорлари маҳаллий мусавирларнинг асарлари, халқ амалий санъати намуналарини намойиш этибгина қолмай, уларни сотишни ҳам мақсад қилиб қўйган. Кўргазма бой ва ранг-баранг. Санъат шайдоси уларда халқимизнинг тирафдақури, зукко ақл-заковати акс этганининг гувоҳи бўлади.

Қашқарда вилоят ҳокимининг қарори билан «Маянавият ва иқтисодиёт» университети ташкил этилди. Қарши давлат лорифундуни базасида иш бошланган бу университетнинг мақсади Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ва мазмунини чуқурроқ ўргатишга, халқимиз маънавий-маънавий меросини ўзлаштиришга кўмаклашиш; бозор иқтисодиёти шароитида рақбарлик фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам беришдан иборатдир.

**ҲАДИСПАР**

Касбининг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарадиган иши ва ҳалол саводдир.

Ерни турли номларига қараб таниб олиш мумкин бўлганидек, дўстини ҳам дўстига қараб билиб оلسа бўлади.

Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада ҳуққингиз чиройли бўلسин!

**ВАҚТИНГНИНГ ҚИЙМАТИНИ ЯХШИ БИЛ**

*Инсоннинг умр сармоиси шу қадар қисқаки, инсон кўзини очиб юмунича ўтиб кетади. Бир қанча бахтиёр одамлар, хайр, эзгулик йўлида, ибодат йўлида озеина вақтларини ҳам бефойда сарфламайдилар. Аммо бир гуруҳ давлат аҳли эса вақтларини ўйнаса, кўнгли-хушликлари сарфлайдилар, вақт ўтсин деб ўйнайди, дейдилар.*

Ўзинг асра Аллоҳим! Бу не ақлсизлик, не аҳлоқсизлик! Эй ғофил одам, сенинг шунча бўш вақтинг борми? Сен инсонсан, сенга ибодат учун вақт зарур, ишлаш учун вақт керак, илм оломоқ учун вақт лозим, истироҳат этмоқ учун вақт даркор!

Буларнинг ҳаммасини ало этмоқ учун вақтинг етарлими? Уйин, бекорчиликка бе-самар вақт ўтказишни истайсан?

Сен қаҳвахоналар, чойхоналарда бекор вақт ўтказиш, тентираб юриш учун яратилмагансан!.. Сенга берилган умрнинг ҳисоби сўралади. Кеча ва кундуз — сенинг умр матонингни кесувчи, қудратнинг омонлиқ бермайдиган бир қайчидир. Сен бу илоҳий қайчиладан умрнинг матонингни қутқара олмайсан.

Бекор сафсаталар, солланиб юришларнинг ҳеч фойдаси йўқ, улар жонга оро бермайдилар. Вақтида эсингни йиғиб ол. Ва вақтингнинг қийматини яхши бил, фойдали ишлар қил!..

Қаҳвахоналар, чойхоналарда умр сармоисининг энг охири қолдиқларини тугатиш билан овора бўлган қанча одамларни биламизки, бу саволи одамларнинг ҳолига кўклагга юлдузлар кўз ёши бўлиб ерга тўкилса ҳам етмайди.

Бу одамларнинг йиғитлик сармоилари рўзғори каби учиб кетади. Ихтиёрларида қоладиган заиф, гализ бир қариллик сармоисини ҳам қаҳвахона, чойхоналарда битиришга ошқандилар. Афсус-наюматлар бўлсин бундай ақлсиз одамларга! Булар ўлим тушагида гафлатдан уйғонадилар, аммо вақт аллақачон ўтган бўлади.

**ОБ-ҲАВО**

Республика гидрометеорология маркази хабар қилади:

15 июлдан 21 июлгача бўлган даврда республика-камиз худудининг асосий қисмида қуруқ ва иссиқ ҳаво ҳўкм сурлади. Ушбу даврнинг охирига бориб республикамизнинг баъзи худудларида — шимолда, тоғ ва тоғдоли туманларида қисқа мудатли момақаллироқ бўлиб, ёмғир ёғини кутулади.

Ҳарорат ҳафтанинг бошида кечалари 19-24, кундуз кунлари 35-40 даража бўлади.

Жанубий вилоятларда ва чўл зоналарида кечалари 22-27, кундуз кунлари 39-44 даража иссиқ бўлиши кутулади. Кейинчалик ҳарорат 2-4 даража тушадди, ҳафтанинг охирига бориб эса яна кўтарилади: кечалари 20-25, кундуз кунлари 35-40 даражагача, жанубда ва чўл зоналарида кечалари 22-27, кундуз кунлари 38-43 даражагача иссиқ бўлади.

**МАРҲАМАТ, ЯНА САВОЛ БОРМИ?**

**БАДРИ ЧОЧИЙ**

*Тошкентлик шоир. Бадри Чочий Деҳлида яшаб, ижод этган экан-а?*

Фарида САНАЕВА, Тошкент шаҳри.

Бадри Чочий (исми Бадриддин), — ўзбек шоири. У Бадр, Шоший тахаллуслари билан ҳам ижод қилган. 1332 йилда Тошкентдан Деҳлига борди, у ерда Султон Муҳаммадшоҳ Туғлик саройида хизмат қилди. Подшо ва амалдорларга атай қасидалар яратди. Подшони мақташ орқали алоқаларни, элпарвар подшоларнинг кирдикорларини фойда этти. Шоирнинг «Қасидаи шитоя» («Қиш қасидаси»), «Қасидаи сайфия», («Ёз қасидаси»), «Қасидаи раббия» («Баҳор қасидаси») асарларида табиат гузаллиқларини, ҳар фалсининг ўзига хос фазилатлари мадҳ этилади. Саройда Бадри Чочийга «Фахр уз-замон» («Замон ифтихори») деган унвон берилди. Шоирнинг 35 миң байтли шохномаси, 10 миң байтли девони борлиги Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкираи Давлатшоҳий» тазкираларида айтилса-да, ҳали топилмаган. Бадри Чочий қасидалари тўпламининг икки нусхаси ЎзФА Шарқшунослик институтининг кўлэмалар фондида сақланмоқда.

Доктор — беморга:  
— Сиз учун менда иккита гап бор: Емонидан бошлайлик — биз билмай соғ оёгингизни кесиб ташлабмиз.  
— Ажаб!  
— Яхши гап ҳам бор — касал оёгингизни даволаса бўлади.



қолганда келипти ва хотинини уйғотиб юбормаслик учун оёқ учиди юриб кирипти. Аммо хотини уйғок экан.  
— Бу сенми? — деб сўрапти у.  
— Нима бало, бошқа бировни кутяпсанми?



**ХАЛҚ СЎЗИ**

**НАРОДНОЕ СЛОВО**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Анвар ЖўРАБОВ.

**БЎЛИМЛАР:**  
Парламент 33-57-34;  
Хатлар 33-07-48;  
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;  
Иқтисодиёт 36-36-65;  
Маънавият 36-35-60;  
Аxbорот 36-29-89;  
Тўси муҳарририят 33-10-28.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир — К. Рикснев.  
Набатчи — Ф. Бобо Дует.